

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 315-ҳадис

315 - عَنْ سَعْدِ قَالَ: عَادَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ مِنْ وَجَعِ أَشْفَيْتُ مِنْهُ عَلَى الْمَوْتِ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، بَلَّغْنِي مَا تَرَى مِنَ الْوَجَعِ، وَأَنَا ذُو مَالٍ، وَلَا يَرِثُنِي إِلَّا ابْنَةٌ لِي وَاحِدَةٌ، أَفَأَتَصَدَّقُ بِثُلْثِي مَالِي؟ قَالَ: «لَا»، قَالَ: قُلْتُ: أَفَأَتَصَدَّقُ بِشَطْرِهِ؟ قَالَ: «لَا، الثُّلُثُ، وَالثُّلُثُ كَثِيرٌ، إِنَّكَ أَنْ تَذَرَ وَرَثَتَكَ أَغْنِيَاءَ، خَيْرٌ مِنْ أَنْ تَذَرَهُمْ عَالَةً يَتَكَفَّفُونَ النَّاسَ، وَلَسْتَ تَنْفِقُ نَفَقَةً تَبْتَغِي بِهَا وَجْهَ اللَّهِ، إِلَّا أُجِرْتَ بِهَا، حَتَّى اللَّقْمَةُ تَجْعَلُهَا فِي فِي امْرَأَتِكَ»، قَالَ: قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أُخَلِّفُ بَعْدَ أَصْحَابِي، قَالَ: «إِنَّكَ لَنْ تُخَلِّفَ فِتْعَمَلَ عَمَلًا تَبْتَغِي بِهِ وَجْهَ اللَّهِ، إِلَّا أزدَدَتْ بِهِ دَرَجَةً وَرِفْعَةً، وَلَعَلَّكَ تُخَلِّفُ حَتَّى يُنْفَعَ بِكَ أَهْوَامٌ، وَيُضَرَّرَ بِكَ آخِرُونَ، اللَّهُمَّ أَمْضِ لِأَصْحَابِي هِجْرَتَهُمْ وَلَا تُرَدِّدْهُمْ عَلَى أَعْقَابِهِمْ، لَكِنِ الْبَائِسُ سَعْدُ بْنُ حَوْلَةَ»، قَالَ: رَأَى لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ أَنْ تُؤَيِّيَ بِمَكَّةَ.

[خ 56، م 1628، ت 975، س 3626، د 2740، ج 2708].

«Васият» сўзи луғатда «етказиш» маъносини англатади. Чунки у ила васият қилгувчи бу дунёдаги яхшилигини охиратиға ҳам етказади.

Васият шариат бўйича, ўлимдан кейин қўшимча ҳақ сифатида ихтиёрий садақа тайин қилишдир.

Ислоннинг аввалида ота-она ва яқин қариндошлар фойдасига васият қилиш вожиб эди. Муслмон киши ўлимдан олдин молининг бунчасини отамга, бунчасини онамга, яна бу қисмини фалончига, у қисмини пистончига беринглар, деб васият қилар эди.

Мерос оятлари тушиши билан бу нарсалар амалдан қолиб, қолган молни оят асосида меросхўрлар орасида тақсим қилиш жорий қилинди.

Васият қилиш эса мандуб бўлиб, фақат молнинг учдан бирига ўтадиган бўлиб қолди. Васият фақат уни қилган кишининг вафотидан кейин амалга оширилади.

1. Саъддан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Видолашув ҳажи йили ўлим ёқасига келтириб қўяёзган дардимда мени кўргани келдилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, дард мени ўзингиз кўриб турган аҳволга солиб қўйди. Мен давлатманд одамман. Биргина қизимдан бошқа меросхўрим йўқ. Мол-мулкимнинг учдан иккисини садақа қилайми?» дедим. «Йўқ», дедилар. «Бўлмаса, ярмини садақа қилайми?» дедим. У зот шундай дедилар: «Йўқ. Учдан бирини. Учдан бири ҳам кўп, чунки меросхўрларингни беҳожат қилиб қолдириб кетишинг уларни одамлардан тиланадиган боқиманда қилиб қолдириб кетганингдан яхши. Аллоҳнинг важҳини истаб қилган нафақанг борки, унга албатта ажр оласан, ҳатто аёлингнинг оғзига солган луқманг учун ҳам», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, шерикларимдан ортда қолиб кетаманми?» дедим. У зот: «Ортда қолиб, Аллоҳнинг важҳини истаб, нима амал қилсанг ҳам, у туфайли даражаю мартабанг албатта ортади. Шояд, ортда қолсанг-да, кейин сен туфайли баъзи одамлар манфаатланиб, бошқалари зарар кўрса. Аллоҳим, саҳобаларимнинг ҳижратларини охирига етказ ва уларни ортларига қайтариб юборма! Лекин бечора Саъд ибн Хавла...»* дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг Маккада вафот этганига ачиндилар».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Изоҳ: Аллоҳ таолога нисбатан «важҳ» сўзининг ишлатилиши ақийдага оид масаладир. Саҳиҳ хабарларда келтирилган бундай маълумотларга қандай бўлса, шундайлигича иймон келтириш, уларнинг тугал маъносини Аллоҳнинг Ўзига ҳавола қилиш мақсадга мувофиқдир. «Аллоҳнинг қабзаси», «кулиши», «юзи», «қўли», «кўзи», «қадами» ва шу каби васфлар Аллоҳ таолонинг Ўзига хос сифатлари бўлиб, махлуқотларнинг сифатларидан мутлақо бошқадир. Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра, бу сифатларга уларнинг қандайлигини тасаввур қилмаган, суриштирмаган ҳолда иймон келтириш вожибдир. Бу борада Аллоҳ таолонинг «**У Зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир**» деган сўзи асосий қоида бўлади.

* Маккадан Мадинага ҳижрат қилган саҳобалар Маккада вафот қилган одамнинг ҳижрати нуқсонли бўлиб қолади деб, ҳижрат юртида вафот топишни орзу қилишар эди. Саъд ибн Хавла розияллоҳу анҳу Маккага қайтиб келганида вафот этган эди. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи васаллам унга ачинган эдилар.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI